



Шўролар даври тарихшунослигида «Ўзбекистон» атамаси 1924 йилда коммунистлар томонидан ўтказилган «миллий-худудий чегараланиш» гача мавжуд бўлмаган деган хато фикр ҳукмрон эди. Ҳозирги кунда конструктивизм» жамиятшунослик назарияси тарафдорлари ҳам «Ўзбекистон» атамаси 1924 йилда янги ўзбек миллатини «ясаш» максодида муомалага киритилган, унга қадар бу атама мавжуд бўлмаган деган фикрни илгари сурадилар.

Менинг тадқиқотларим шуни кўрсатадики, «Ўзбекистон» атамаси тарихий илдизларга эга бўлиб, бутун Ўрта Осиё минтақасининг тарихий номларидан бири бўлган. «Ўзбекистон» атамаси манбаларда илк бор XIV асрда, тарихий хариталарда эса XVI асрда муомалага кирган. XIV асрда бу атама Олтин Ўрда, XV асрда Дашти Кипчоқдаги Ўзбек улуси, XVI–XIX асрларда эса Ўрта Осиёга нисбатан қўлланилган.

«Ўзбекистон» атамасининг келиб чиқиши «Ўзбек» исми билан боғлиқ бўлиб, бу исм огуз/гуз/уз ва бек сўзларидан ташкил топган ва «ўгузлар беги» маъносини англатади. «Ўзбек» исми манбаларда илк бор XII асрда қайд этилган – Хамадон шаҳри ҳукмдори Сурсукнинг лашкарбошиларида бири (амир ал-жайш) Ўзбек 1115–1116 йилларда Мосул ҳокими бўлган. Табризда ҳукм сурган илдегизийлар сулоласининг охириги ҳукмдори Музаффариддин (1210–1225 йилларда ҳукм сурган) нинг исми ҳам Ўзбек бўлган. Хоразмшоҳ Жалол ад-Диннинг Афғонистондаги ҳарбий қўмондони Жаҳон Пахлавон Ўзбек Тоий бўлган.

«Ўзбек вилояти» ёки «Ўзбекистон» Олтин Ўрда маъносида (XIV аср)

«Ўзбекистон» атамаси эса Жўчи улуси, яъни Олтин Ўрда ҳукмдори Султон Гиёсиддин Муҳаммад Ўзбекхон (тахм. 1283–1341) билан боғлиқ. 712/1312–13 йилда у Хоразмдан келган бекларбеги Кутлуг Темур ва мусулмонлар ёрдамида тахтга келди, 720/1320–21 йилда эса ўзи ҳам расман ислом динини қабул қилди. Бунда унга Аҳмад Яссавийнинг

устози бўлмиш Боб Арслоннинг авлоди Зангиота ва унинг издоши Сайидота кўмакчи бўлганлар. Ўзбекхон хукмронлиги даврида Олтин Ўрда ўз даврининг энг кудратли ва нуфузли давлатларидан бирига айланди.

Шунинг учун XIV–XV асрларда ёзилган манбаларда Олтин Ўрда «Ўзбекистон», яъни Ўзбекхон мамлакати деб аталган. XIV асрнинг иккинчи ярми – XV асрнинг биринчи ярмида турк тилида ёзилган адабиётда, хусусан, шоир Лутфийнинг «Гули Наврўз» асарида «Ўзбек» мамлакати ўша даврнинг энг кудратли давлатлари каторида тилга олинган:

Гох Чин хубларини сўзладилар,
Гох Ўзбек дин парилар кўзладилар,
Гох ўгдилар Хотан зеболарини,
Замин-е Румнинг раъноларини.

Муиниддин Натанзийнинг «Мунтахаб ат-таворих-и Муиний» («Муиний тарихлари танланмаси») асарида Итил, яъни Волга дарёси бўйларидаги Ўзбек улуси кайд этилган. Фасих ал-Хавафийнинг «Мужмал-и Фасихий» асарида 1335 йил воқеалари баёнида Олтин Ўрданинг нуфузли амирларидан бири Кутлуг Темур «Ўзбек давлатининг таянчи» деб аталган. Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» асарида: «Шундан кейин Сохиб Кирон Жете ва Ўзбек [хонлари]дан келган элчиларни қабул қилди ва уларга олтин совғалар бериб, уларни ўз хонлари хузурига юборди», – деб ёзади. Низомиддин Шомий ўзининг «Зафарнома» асарида Ўзбек мамлакати ҳақида шундай дейди:

«Хоразмдан шимолда жойлашган вилоят Ўзбек деб аталган». «Урухсон (1361–1375) Ўзбек вилоятининг ҳукмдори эди». «Амир Сохиб Кирон Карминага етиб келганда душман қочди ва Ўзбек вилоятига кетиб, Урухсон саройида паноҳ топди». «Ўзбек вилоятдан одам келди». «Амир Сохиб Кирон Ўзбек вилоятига юрди». «Ўзбек вилоятига юриш». «Темур Кутлуг Хон ажалини Ўзбек вилоятида топди».

Туркистонлик ўзбек шоири Шоир Хукмий 977/1569–70 йилда ўзининг Эронда форс тилида ёзилган «Шахристон» номли географик шеърий асарида шундай ёзади: «Ўзбеклар мамлакати ёки Ўзбекистон Румдан шарқда Чингача, шимолда эса Булгор ва Рус мамлакатигача чўзилган».

Абдураззок Самаркандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарида 1410 йил воқеалари баёнида «Дашти Кипчок ва Ўзбек мамлакатлари», «Дашти Кипчок тарафдаги Ўзбек вилояти» кайд этилган. Мирзо Улугбек «Тарихи арбаъа улус» («Тўрт улус тарихи») асарида ёзишича, «Султон Муҳаммад Ўзбекхон Мовароуннахрга келганда маҳаллий одамлар унинг одамларидан: «Бу келган одам ким?» – деб сўрадилар. Уларнинг сардори ва подшохи Ўзбекхон бўлгани учун уларни «ўзбек» деб атаётдилар. Шу сабабли ўша замондан бошлаб келган кишилар «ўзбек» деб атала бошлади. Қолиб қетган кишилар эса «қалмоқ» бўлдилар.

Маҳмуд ибн Вали «Баҳр ал-асрор фи манокиб ал-ахёр» («Хайрлиларнинг фазилатлари ҳақида сирлар денгизи») асарида шундай ёзади:

«Туркистон ахли ҳар бир даврда турли номлар билан аталган. Тур ибн Ёфас давридан Моғулхон давригача бу мамлакат ахли «турклар» деб аталган. Моғулхон тахтга ўтиргандан кейин бу мамлакатда яшовчи барча қабилалар «моғуллар» деб аталган. Туркистон узра Ўзбекхон байроғи қўтарилгандан кейин ҳозирга қадар бу мамлакат ахли «ўзбеклар» деб аталади. Лекин олис мамлакатларда Туроннинг барча аҳолиси олдингидек «турк» деб аталади».

«Ўзбек вилояти» ёки «Ўзбекистон» Ўзбек улуси маъносида (XV аср)

Тўхтамишхон (1380–1395 йилларда Олтин Ўрда хони, 1396–1406 йилларда Туман хони) Амир Темурдан бир неча бор мағлубиятга учрагандан кейин (1389, 1391, 1395, 1397 йилларда) Олтин Ўрда давлати инкирозга учрай бошлади ва аста-секин алоҳида хонликларга парчаланиб кетди. Бунинг оқибатида рус князлари (Иван Грознийдан бошлаб) қучая бошлади ва бирин-кетин ўзбек-татар хонликларини босиб олди – 1552 йилда Козон, 1556 йилда Аштархон, 1598 йилда Сибирь хонликлари, XVII асрда Нўғай ўрдаси, 1783 йилда эса Крим хонлиги руслар томонидан босиб олинди. Русларга бўйсунмай мустақиллигини сақлаб қолган ягона ўзбек хонлиги Евросиёнинг шарқий қисмида жойлашган, шу жумладан, Марказий Осиёнинг шимолий қисмини ўз ичига олган Ўзбек улуси эди.

Шунинг учун XV аср манбаларида Ўзбек вилояти ёки Ўзбекистон деганда ана шу Ўзбек улуси назарда тутилган. Фазлуллох Исфаҳонийнинг «Меҳмоннома-и Бухоро» («Бухоролик меҳмоннинг хотиралари») асарида шундай ёзилган:

«3 та қabila ўзбекларга мансуб бўлган... Улардан бири шайбонийлар бўлиб, уларнинг хони Шайбонийхон эди. Иккинчи қabila қозоклар бўлиб, улар қуч-қудрати ва довураклиги билан дунёга машҳурдир. Учинчи қabila мангитлар бўлиб, улардан Аштархон ҳукмдорлари чиққан. Ўзбекларнинг чегаралари бир тарафдан уммон билан, бошқа тарафдан эса Туркистон билан, учинчи тарафдан Дарбанд билан, тўртинчи тарафдан Хоразм билан, бешинчи тарафдан эса Астробод билан чегарадош. Бу ерларнинг ҳаммаси ўзбекларнинг ёзғи ва қишки қўчиб юриш ерларидир».

Мирза Муҳаммад Хайдарнинг «Тарихи Рашидий» асарида ёзилишича:

«Ўзбекистонга Абул-Хайр олдига турли қабилалар келди. Қозоклар Ўзбекистоннинг асосий қисми устидан ўз ҳокимиятини ўрнатдилар». «Тубра ўқимаган одам эди, у ҳеч қачон ҳоконларга хизмат қилмаган эди. У ҳар доим вақтини Мўғулистон ва Ўзбекистон даштларида ўтказар эди. У чегараларни қўриқловчи қазак бўлган ва ҳеч қачон Амир даражасига қўтарилмаган». «Қўкча Тенгиз (Балхаш) қўли Мўғулистонни Ўзбекистондан ажратиб туради. Қиш қелиб Қўкча Тенгиз усти муз билан қопланганда ўзбеклар муз устидан юриб Мўғулистонга қеладилар. Бу қўлдан бир дарё (Волга) бошланиб, Ўзбекистон ерларидан оқиб ўтади ва Қулзум денгизи, яъни Каспий денгизига қуйилади. Бу дарё Атил деб аталади, Ўзбеклар эса уни Идил дейдилар». «Султон Нигорхоним деди: «Мен қариб қолдим ва Ўзбекистон даштларида қўчманчилик ҳаёт тарзи олиб боришга қучим йўқ». «Рашидиддин Моғулистонда қолди, Тохирхон эса Ўзбекистонда [ҳукм сурди]».

Амир Темури тузукларида ўзбеклар ва Ўзбекистон ҳақида шундай ёзилган:

«Мовароуннаҳрда Ўзбекия [жамоаси]нинг жиноятлари ва зулмлари кўпайиб кетди. ...мен зудлик билан ўзбеклар жамоасига ҳужум қилишим керак. Мамлакатнинг уламо ва шайхлари ўзбеклар жамоасини йўқ қилиш ва ҳайдаб чиқариш ҳақида фатво бердилар».

«Ўзбекистон» Ўрта Осиё минтақаси маъносида (XVI–XIX асрлар)

1500 йилда Ўзбек улуси ҳукмдори Шайбонийхон Мовароуннаҳрга келиб, теурийлардан ҳокимиятни тортиб олди. Дашти Кипчоқда ҳокимиятсиз қолган бошқа қингизийлар, яъни ўзбек-татар ҳукмдорлари ва аслзодалари ҳам Шайбонийлар давлати (1500–1601) да паҳо топлдилар. 1601 йилда эса шайбонийларнинг ўрнига аштархонийлар сулоласи ҳокимиятга келиб, 1757 йилга қадар ҳукм сурди. Шу тариқа «Ўзбекистон» атамаси ҳам ўзбеклар билан бирга Мовароуннаҳр, яъни Ўрта Осиёга қўчиб келди. Шунинг учун XVI–XIX асрнинг биринчи ярмида ёзилган маббаларда Ўрта Осиё минтақаси «Ўзбекистон» деб аталган. Ҳусусан, сафавийлар сулоласига маңсуб Эрон шоҳи Таҳмасп I (1524–1576) Мовароуннаҳрда жойлашган Шайбонийлар давлатини «Ўзбекистон» деб атаган.

1562 йилда испан тарихчиси Гарсия да Орта (Garsia da Orta) Ўрта Осиёда жойлашган «Ўзбек мамлақати» ҳақида сўз юритган. Бухоро шаҳрида яшаган икки тиллик ўзбек шоири Турди Фароғий (тахм. 1640–1699) ўзининг бир шеърида шундай ёзади:

Тор қўнгуллик беклар, маң-маң демаңг, қеңглик қилиңг,

Тўксон икки бовли Ўзбек юртидур, теңглик қилиңг.

Ёки:

Дурахду таңгчашму бесару Яъжужваж,
Муҳталиф маъхаб гуруҳи
Ўзбекистондур бу мулк.

Бобурийлар сулоласига маңсуб султон Муҳйиддин Авраңзеб Оламгир I (1068–1118/1658–1707 йилларда ҳукм сурган) ҳузурига элчи бўлиб келган ва унинг Дехлидаги саройида бир муддат яшаган француз элчиси Франсуа Берньенинг ёзишича:

«Ўзбек татарлари, яъни Самарқанд ва Балх хонлари Авраңзеб ҳузурига ўз элчиларини юборишга қарор қилдилар». «Авраңзеб улар юборган совғаларни келтиришни буюрди ...булар мевалар эди: шафтоли, олма, узум, қовун – бу меваларни Дехли аҳолиси йил бўйи ер эди, улар асосан Ўзбекистондан келтирилар эди». «Мен элчилардан уларнинг мамлақати ҳақида маълумот олишни истадим, лекин улар шунчалик билимсиз эдиларки, ҳатто ўзларининг Ўзбекия мамлакатининг қегараларини ҳам билмас эканлар».

1835–1836 йилларда Бухорога келган рус харбий айғокчиси И.В. Виткевич ўзининг сафар ҳисоботида шундай ёзади:

«Бухоро шаҳрида бухороликлардан ташқари жуда кўп яҳудийлар яшайди, сен у ерда бутун Ўзбекистон ёки Турондан келган одамларни учратишинг мумкин».

Шундай қилиб, «Ўзбек» исми туркларда илк бор XII–XIII асрларда қайд этилган бўлиб, унинг келиб чиқиши огуз/гуз/уз ва бек сўзлари билан боғлиқ ва «ўгузлар беги» маъносини англатади. «Ўзбекистон» атамаси Олтин Ўрда хукмдори Ўзбекхон билан боғлиқ бўлиб, XIV асрда бу атама Олтин Ўрда давлатига нисбатан қўлланилган. XV асрда Олтин Ўрда хонликларга парчаланиб кетгандан кейин «Ўзбек вилояти» ёки «Ўзбекистон» атамаси Дашти Кипчокнинг шарқий қисмидаги Ўзбек улусига нисбатан қўлланилган. XVI асрда ўзбеклар Мовароуннахрни эгаллагандан кейин то руслар босқинига қадар Ўзбекистон атамаси бутун Ўрта Осиё минтақасига нисбатан қўлланилган. Ўша давр тарихий географиясида «Ўзбекистон» атамаси Турон ва Туркистон тарихий атамалари билан тафовутда бўлмай, аксинча, улар бирга маънодош ном сифатида ишлатилган. Демак, «Ўзбекистон» атамаси бутун Ўрта Осиё минтақасининг тарихий номларидан бири бўлган деб ҳисоблашга тўла асос бор. Чунки жаҳон тарихий географиясида бу атама 1865 йил, яъни руслар босқинига қадар 365 йил давомида Турон ва Туркистон атамалари сингари бутун Ўрта Осиё минтақасига нисбатан макротопоним сифатида ишлатилган.

Шамсиддин КАМОЛИДДИН,
тарих фанлари доктори, профессор